
Увайсий МФЙда жойлашган кўп қаватли уйлардаги муаммолар ўрганилди

Данғара туманида куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш ва мавсумни беталофат ўтказиш бўйича туман ҳокими бошчилигидаги ишли гуруҳ Увайсий МФЙда жойлашган кўп қаватли уйлардаги муаммоларни ўрганиб чиқди. Ўрганишлар давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Увайсий МФЙда жойлашган кўп қаватли уйлар атрофи ободонлаштирилиб қўшимча ёриткичлар ўрнатилиб, электр энергияси ҳамда ичимлик суви бўйича мавжуд муаммолар бартараф этилмоқда. Шунингдек, уйларнинг атрофидаги ноқонуний қурилишлар ва ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш билан боғлиқ холатлар ҳам бартараф этилмоқда.

Туман ҳокими ижтимоий тармоқларда тарқалган шу ҳудуддаги фуқаронинг мурожаатини ҳам масъуллар иштирокида ўрганди. Мутасаддиларга ушбу аёлнинг имтиёзли кредит олишида кўмак бериш бўйича кўрсатмалар берди.

2023-11-20 17:28:26